



СОЦИАЛЛЫҚ ПЕДАГОГИКА

«ОСИЁ МЎЖИЗАСИ» ФЕНОМЕНИДА PR-ФАОЛИЯТНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Бабашев Ф.А.

*Ўзбекистон миллий университети «Педагогика ва умумий психология»
кафедраси мудири, педагогика фанлари номзоди, доцент*

Таянч сўзлар: феномен, фаолият, Осие мўжизаси, Шарқ мамлакатлари тажрибаси, товар, компания, ривожланган давлатлар, саноат, иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш соҳалари.

Ключевые слова: явление, деятельность, азиатское чудо, опыт стран Востока, продукт, компания, развитые страны, промышленность, экономика и производственные отрасли.

Key words: phenomenon, activity, Asian miracle, experience of Eastern countries, product, company, developed countries, industry, economy and manufacturing sectors.

Ривожланган давлатлар эришган муваффақиятларни таҳлил қилар эканмиз, бу ютуқлар замирида жамиятдаги жипслик, шахсий ва умумжамоа манфаатларининг моҳирона уйғунлаштирилиши ётганлигига гувоҳ бўламиз.

Бугунги кунда *PR деганда биринчи навбатда маълум товарни ёки компанияни моддий манфаат олиш, кўпроқ миждозларни жалб этиш мақсадида тарғибот қилишга қаратилган тадбир ёки жараён тушунилади. Аммо дастлаб PR-фаолият пайдо бўлганида, унинг бирламчи вазифаси чин маънода жамоатчилик билан мустаҳкам ижобий алоқаларни ўрнатишдан иборат бўлган.* Яъни, давлат ва жамият (халқ, аҳоли) бир ёқадан бош чиқариб, ягона мақсад сари интилган. XX-асрнинг биринчи ярмида собиқ Иттифоқда саноат, иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш соҳаларида эришилган мисли кўрилмаган ютуқлар омили ҳам халқ, давлат, партия ва ишчи-деҳқонлар Қизил армиясининг ягона байроқ остида бирлашишида эди.

Бирлашиш, ягона куч бўлиб ҳаракат қилиш натижасида катта ютуқларга эришиш борасида Шарқ мамлакатлари тажрибасига – «Осие мўжи-



заси»га мурожаат қиламиз. Сингапурнинг таниқли раҳбари Ли куан Ю томонидан Миллий байрам муносабати билан 1983 йил 14 октябрда телевиденида қилинган баёнот портлаш эффектини беради. Тўғридан-тўғри эфирда у шундай дейди: агар олий маълумотли эркаклар ўз фарзандлари ҳам муваффақият қозонишини исташса-ю, ўзлари учун билим ва интеллектуал ривожланиши жиҳатидан паст бўлган аёлларга уйланса, бу уларнинг аҳмоқлигидан бошқа нарса эмас.

Бу чақириққа жамоатчиликнинг муносабати салбий бўлди. Ли Куан Ю тўғри деб ҳисоблаган ҳақиқат шу эдики, Сингапурда 30 фоиз эркакларгина олий маълумотли аёлларга уйланар эди. Ли шахснинг барча фазилатларидан 80 фоизи табиат томонидан, 20 фоизигина тарбия натижаси деган хулосага келади.

Унинг фикрини Гарвард университетининг психологи, профессор Р.Х.Хернштейн қўллаб-қувалайди ва Ли чиқишини кўплаб раҳбарлар журъат эта олмайдиган ҳаракат, деб баҳолайди. У ўз асарларида интеллект – ақлий салоҳият насалдан наслга ўтишини асослаб чиқади. Яъни, Сингапурда таълим ислохотлари жамиятга янги қадриятларни татбиқ қилиш, бу жараёнга барча кучларни жалб қилиш орқали амалга оширилади.

Японияда ҳам ислохотлар давлат бизнес тузиламалар – касаба уюшмалари муносабатлари даражасига кўтариш ҳисобидан амалга оширилди. Бу масалаларни чуқур тадқиқ қилган олим Б.Омонов қайд этишича, Японияда модернизация жараёнларида **С.Судзуки** (1579-1658) ва **Б.Исида** (1685-1744) каби мутафаккирлар мероси катта аҳамият касб этган. Масалан, Исида ахлоқий таълимотига кўра, ишчилар ва тадбиркорлар сиёсатда узокрок юришади. Япон муассасасида консенсус концепцияси етакчи роль ўйнайди. Ижтимоий йўналган меҳнат улуғланади. Одамлар босиқлик билан, онгли равишда тартиб-интизомга риоя қилса, жамиятда барқарорлик ўрнатилади. Шундагина бу ҳолат Осмон билан уйғунлашиш даражасига етади.

Хитой (ХХР)да ҳам бу борада етарли даражада бой тажриба мавжуд. Таълим соҳасида ислохотларга эътиборни қаратар эканмиз, бу мамлакатда 985-лойиха олий таълим тизимини ривожлантириш ва ҳукумат билан ҳамкорликда Хитой университетларини жаҳон миқёсига олиб чиқишга йўналганига гувоҳ бўламиз. Лойиха моҳияти университетлар фаолиятини ХХР таълим вазирлиги ва ҳудудий ҳамда шаҳарлар маъмурияти ҳамкорлигида молиялаштирилишидир.

Ҳамкорликда молиялаштириш Хитой олий таълим учун табиий ҳолга айланиб, ҳар қандай ислохотдан ташқари, университетларда ўқитилади-

ган фанларни, лабораторияларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг кафолатли механизмга айланган. Масалан, Шарқий Хитой педагогик университетда давлат миқёсидаги 6 та етакчи фанлар, таълим вазирлиги томонидан қўллаб-қувватланадиган 1 та базавий давлат лабораторияси, 2 та етакчи лабораторияга, 1 та очик типдаги, Шанхай мэрияси томонидан бошқариладиган 1 та базавий лабораторияга, Таълим вазирлиги назоратидаги ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича тадқиқотлар олиб борадиган 5 та базавий пункт, 61 та докторантура, 101 та аспирантура пунктларига эга.

Осиёда олий таълимни ислоҳ қилишга қаратилган сиёсатда ўқув, илмий-тадқиқот ишларининг бевосита маҳаллий маъмурий тузилмалар раҳномалиги ва кўмагида амалга ошириш тенденциясини кузатиш мумкин. Бу ҳолатнинг ўзи мазкур мамлакатлар университетларининг жаҳон миқёсидаги рейтинг кўрсаткичларида йилдан-йилга юқор поғоналарни эгаллаб бораётганига гувоҳ бўламиз.

Бу мамлакатларда куйидаги тамойиллар устуворлик касб этади:

- 1) Давлат – бош ислоҳотчи.
- 2) Таълим ислоҳоти – умумхалқ иши.
- 3) Жамиятдаги жипслик – муваффақиятлар гарови.

Давлат, ҳокимият бошқарув органлари фаолияти очиклиги, жамият аъзолари ҳақ-ҳуқуқларининг тенглиги тўғрисида сўз юритишдан аввал, бой ўтмишимизга мурожаат қилиб, юртимизда мавжуд бўлган давлатларда олимлару-ҳукмдорлар томонидан бу борада илгари сурилган ғоялар, ташаббуслар ҳамда мавжуд тартиб-қоидаларга эътибор қаратсак.

Муаллим ас-Соний номи билан жаҳонга машҳур бўлган аллома **Абу Наср Форобий** ҳар қандай давлат ва жамият (жамоа) раҳбарини раис даб атайди ва вазифалари ҳамда масъулияти бўйича уни инсон организмидagi юракка таққослаб, шундай дейди: «Инсон бадани раис аъзоси – юрак бошқа аъзоларнинг мавжудлиги, тириклигини, тартибли, бир меъёردa ишлашини таъминлайди, баданда бирор аъзо касалланса, юрак – раис аъзо унинг ҳолатини, фаолиятини тузатишга ёрдам беради. Шаҳар – давлат жамиятининг раис аъзоси ҳам қўл остидаги бирор аъзонинг фаолияти бузилса, издан чиқса, шаҳар-давлат бошлиғи (раиси) унинг фаолиятини тузатади».

Демак, давлат ёки ҳар қандай жамоа раҳбари ўз қўли остидагиларнинг меҳнати натижадорлиги ва самарадорлиги учун масъулдир. Бу масъулият фақат жамоани бошқаришдан, меҳнатга сафарбар қилишдан иборат бўлмасдан, биринчи навбатда, жамият аъзоларига ғамхўрлик қилишни назарда тутаети. Шундагина жамиятда фаровонлик ва мукамаллик (гармония)



хукм суради, жамият аъзоларида эса бир-бирига нисбатан меҳр пайдо бўлади.

Соҳибқирон **Амир Темур** тузукларида ҳам раият аҳволидан бохабар бўлиш, мамлакат сарҳадларига кириш-чиқиш масаласида қонунчиликка риоя қилинишини назорат қилиш, бошқарувда адолат ва ҳақиқатни бош мезон қилиб олишга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун вилоят ва шаҳарларда махсус хабарчиларни тайинлаш ҳамда уларнинг фаолиятини тўғри ташкил қилиш юзасидан тавсиялар берилади: «Ҳар ерда, вилоят у шаҳар ва ўрдуда кундалик воқеаларни ёзувчиларни тайин қилсинларки, ҳокимлар, раият, сипоҳ, ўз лашкари ва ёт-лашкарнинг хатти-ҳаракати ҳақида мени хабардор қилсин. Атрофдан кирган-чиққан мол-мулк, четдан кирган ва четга чиққан ёт кишилар, ҳар мамлакатдан келган карвонлар ва ҳукмдорлик ҳақидаги хабарлар, қўшни подшоҳлар, уларнинг гап-сўзлари, ишлари ва узоқ ўлкалардан бўлиб, менинг даргоҳимга юзланган уламо, фузало ҳақидаги сўзларни тўғрилиқ билан менга ёзиб турсинлар... *Агар ёлгон хабарни тухмат ёки гараз билан ёзган бўлса, уни қатл этсинлар* ва яна амр этдимки, ушбу хабарларни кунма-кун, ҳафтама-ҳафта, ойма-ой менинг арзимга етказиб турсинлар».

Бу сатрлар билан танишар эканмиз, Соҳибқирон томонидан салтанатнинг турли бурчакларидан келаётган хабарларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлигига алоҳида эътибор қаратилгани боис, ёлгон хабар учун шу хабарни етказувчининг қўли кесилиши, ҳатто қатл этилиши белгиланганига гувоҳ бўламиз. Зеро, аниқ маълумотга эга бўлган раҳбаргина ўз ишини тўғри ташкил қилади, ҳаққоний қарорлар қабул қила олади. Бу ерда хабарчининг шахсий сифатлари катта аҳамиятга эга. Хабарчи – Ўрта Осиё хонликларида ҳукмдорларнинг хат ва хабарларини ташувчи ёки етказувчи кичик лавозимли хизматкор; курьерга тўғри келади.

Тарихда қанчадан-қанча ҳукмдорлар бепоён ҳудудларни забт этган ва чексиз ҳудудларга эгаллик қилган бўлишига қармасдан, уларнинг аксари жойлардаги аҳоли турмуш даражасига, уларнинг муаммоларига бефарқ бўлган ҳамда забт этилган ҳудудларга фақат бойлик орттириш манбаи сифатида қараган.

Улардан фарқли равишда, Амир Темур ўз давлати таркибига киритилган мамлакатлар аҳолисига ҳам ғамхўрлик қилиб, уларнинг тинчлиги ва фаровонлиги учун қайғурган, ноибларидан ҳам мазкур масалага ўта жиддий муносабатда бўлишни талаб қилган: «Амр этдимки, фатҳ этилган ҳар бир мамлакатдаги сипоҳийлар [ўз ихтиёри билан] паноҳимга келсалар, уларни навкар қилиб, [аскарларим орасидан] жой берсинлар. У диёрнинг



раиятини ёмон ҳодисалардан, қатл эттиришдан, асиру банд этилишдан ва таланишдан муҳофаза қилсинлар. Уларнинг мол-мулкини, буюмларини талон-тарождан сақласинлар... менга бўйсунган мамлакатларнинг сайидлари, олимлари, шайхлари, фозил кишилари, дарвишлари, зоҳидларини суюрғол, вазифа ва ойлик билан сийласинлар. Фақиру мискин, бирон касб қилишга ожиз шол-кўрларга нафақа белгиласинлар. Мударрислар ва шайхларга кундалик маошларини белгиласинлар».

Соҳибқирон давлати куч-қудратининг асосий омили ҳам айнан халқнинг рози-ризалиги ва ўз ҳукмдорига бўлган ишончи ҳамда садоқати эди, десак муболаға бўлмайди. Тарихдан маълумки, мазлум халқ норозилиги ва ҳокимиятга нисбатан ишончсизлиги катта тўнтаришларга сабаб бўлган.

Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» асарида ҳам **ҳукмдорларнинг асосий вазифаси айнан оддий халқнинг муаммоларига ечим топишдан иборат** эканлиги қайд этилади: «Подшоҳ ҳафтада икки кун зулм кўрганларни қабул қилиб, золимларнинг додини бериб, жазолаб ва раият сўзларини бевосита эшитиб бориши керак. Муҳим бўлган аризаларни қабул қилиб, ҳар бирига жавоб бериши лозим. Агарда, «подшоҳ додхоҳларни олдига чақириб, ҳафтада икки маротаба уларнинг сўзларини эшитади ва золимларнинг жазосини беради», - деган хабар мамлакатга тарқалса, унда золимлар қилмишларининг оқибатини ўйлаб, қўриқиб бедодлик қилмайдилар».

Юқорида келтирилган мисоллар шуниси билан ҳам аҳамиятлики, Ўзбекистонда ҳам 2016 йилда Президент қабулхонаси, жойларда «Халқ қабулхоналари» ташкил қилиниб, аҳолининг мурожаатлари тингланиб, «золимларнинг додини бериш, жазолаш ва раият сўзларини бевосита эшитиш» ишлари йўлга қўйила бошланди. Аммо, афсуски, бугунги кунда мамлакатимизда бу борада олиб борилаётган ишларни талаб даражасида дея олмаймиз. Зеро, ҳар бир бошланган иш самарали яқун топиши учун, кучларни бирлаштириш, жамият, давлат бошқаруви органлари олдига аниқ мақсад ва тўғри вазифалар қўйиш ҳамда қатъий назорат механизминини жорий этиш катта аҳамият касб этади.

Юқорида келтирилган мисолларда (Сингапур, Хитой ва Япониядаги ислохотлар) ҳукумат олдида қўйилган мақсад сари жамиятдаги барча қатламларни бирлаштириш ва самарали сафарбар этишга асосий урғу берилган. Зеро, ривожланган Шарқ ва Ғарб давлатларида университетлар фаолиятини маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш (муниципалитет) ёки бошқа шаклдаги бошқарув органи режалари ва дастурларидан алоҳида тасавур қилиб бўлмайди. Чунки ҳудуднинг раванқини таъминлашда барча субъек-



тлар бир мақсад сари ҳамжиҳатликда ҳаракат қилганидагина муваффақият қозониш мумкин.

Аммо, нимагадир, мамлакатимизда турли соҳалар олдига вазифалар қўйилади-ю, улар салоҳиятини бошқа йўналишлар, масалан, таълим, экология билан ҳамоҳанглигига эришиш, тегишли ташкилотларни ягона мақсад сари бирлаштириш, улар фаолиятини ўзаро мувофиқлаштиришга деярли эътибор қаратилмайди. Фикримиз тасдиғи сифатида мисол келтирамиз: Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг мақсадли кўрсаткичлари қайд этилган 20 та бандда масъул ижрочилар сифатида биронта вилоят, туман, шаҳар ҳокимиятини учратмайсиз. Демак, олий таълим ташкилоти ўзи жойлашган туман, шаҳар ёки вилоятда амалга оширилаётган бунёдкорлик, қурилиш-ободонлаштириш, кадрлар тайёрлаш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ёки тадбиркорликни «ривожлантириш» борасидаги кенг қамровли ишлардан четда туриб, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги топшириқларини бажариш билан машғул.

Хулоса сифатида шуни қайд этиш жоизки, Японияда Судзуки, Исида каби маърифатпарварлар ғоялари олий таълим ислохотларида ҳам концептуал асос бўлиб хизмат қилар экан, Кайковус, Низомулмулклардек алломалар томонидан яратилган панднома йўналишидаги асарларда, Соҳибқирон Амир Темур «Тузуклари»да биз ҳам риоя қилишимиз керак бўлган тартиб-қоидалар мавжуд. Фақат битта фарқ бор: ушбу мутафаккир ва давлат арбоблари асарларида кўтарилган ғояларни барчамиз бир овоздан қўллаб-қувватлаймиз, мақолаларимизда, нутқларимизда уларга қайта-қайта мурожаат қиламиз, аммо ҳеч биримиз уларга амал қилиш истагида ёнаётганимиз йўқ. Аммо **PR – бу жамоатчилик билан алоқалар** деган тамойилига мос келадиган **«сипоҳу раият аҳволидан хабардорлик, уларга нисбатан хушмуомалалик»** талаби бажарилмас, жамият ягона мақсад сари бирлашмас экан, олий таълим тизимини ислоҳ қилиш борасидаги жозибадор режаларимиз ҳам режалигича қолиб кетаверади.

Адабиётлар:

1. Ю, Ли Куан. Из третьего мира – в первый. История Сингапура (1965-2000): пер. с англ. Александра Боня / Ли Куан Ю. – 6-е издание. – М.: Манн, Иванов и Фербер, 2018. – 576. 119-121-бетлар.
2. Омонов Б. Концептуальные основы модернизации общества (Сравнительный анализ реформ Запада и Востока). – Варшава: iScience Sp. z.o.o. – 2020. – с. 176.
3. Голобков А.С. Основные элементы стратегий региональных вузов КНР. Территория новых возможностей. Вестник ВГУЭС. 2016. №4. 33-бет



4. Фозил одамлар шахри. Абу Наср Форобий. / Таржимонлар Абдусодик Ирисов, Маҳкам Маҳмудов, Урфон Отажон. Масъул муҳаррирлар М.Хайруллаев, М.Жакбаров. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. – 320 б. 2411-бет.

5. Темур тузуклари / Сўзбоши муаллифи ва масъул муҳаррир М.Али, форсчадан тарж. А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов. – Т.: «Шарк», 2005. – 160 б. 117-бет.

6. Ўзбек Совет Энциклопедияси. 14 томлик. Бош муҳаррир ЎзССР ФА академиги К.А.Зуфаров. – Т., ЎзСЭ Бош редакцияси, 1979. 12-т. Фазо-Шашка. 656 бет. 222-бет.

7. Темур тузуклари / Сўзбоши муаллифи ва масъул муҳаррир М.Али, форсчадан тарж. А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов. – Т.: «Шарк», 2005. – 160 б. 118-бет

8. Сиёсатнома (Сияр ул-мулук) / Низомулмулк. Масъул муҳаррир Шариф Холмуродов. Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари Шодмон Воҳид, Афтондил Эркинов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – 304 бет. 24-бет

РЕЗЮМЕ

Мақолада PR-фаолиятнинг асосий мақсади – жамоатчилик билан алоқаларни таъминлаш эканлигидан келиб чиққан ҳолда, давлат ва жамият ягона мақсад сари бирлашганидагина ижобий натижаларига олиш келиши Сингапур, Хитой, Япония давлатлари мисолида кўрсатилади. Шунингдек, айнан шу масалага нисбатан Форобий, Кайковус, Низомулмулк каби маърифатпарварлар ҳамда Соҳибқирон Амир Темурдек давлат арбобининг муносабатига тавсиф берилади.

РЕЗЮМЕ

В статье на примере Сингапура, Китая, а также Японии приводятся конкретные факты относительно значения объединения государства и общества вокруг единой объединяющей цели. А также характеризуются взгляды Фараби, Кайковус, Низомулмулк и государственного деятеля Амира Тимура относительно данного вопроса.

SUMMARY

Using the examples of Singapore, China, and Japan, the article provides specific facts regarding the importance of uniting the state and society around a single unifying goal. The views of Farabi, Kaykovus, Nizomulmulk and the statesman Amir Timur regarding this issue are also characterized.